

**Баклажоннинг эртапишар биринчи авлод дурагайлари селекцияси
қ.х.ф.доктори Наджиев Ж.Н., талабалар: Иззатуллаев Л.А., Қузибоев
Ж.Б.**

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

Утган асрнинг 90 йилларидан бошлаб УзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида баклажон биринчи авлод дурагайлари селекцияси буйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада эртапишар F₁ Замин дурагайи яратилиб 2009 йилдан Давлат нав синовидан утмоқда.

Кейинги йилларда эртапишар, буртма нематодасига чидамли F₁ дурагайлари яратиш йуналишида тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2006-2008 йилларда Бт/03 х Су/03, Мк/03 х Ал/03, Мк/03 х Сс/03, Ал/03 х Су/03, Ал/03 х Мк/03 каби биринчи авлод дурагайлари дастлабки синовдан утказилди. Буртма нематодасига чидамли манба сифатида Мк/03 линиясидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар “Итузумгуллилар оиласига мансуб экинлар жaxon нав намуналари тупламини урганиш ва саклаш буйича услубий кулланмалар” (Л., 1977) асосида олиб борилди. Киёсий нав Аврора. Хисоб булмачаси майдони 12,6 м². Булмачада усимликлар сони 60 та, булмача уч каторли, тажриба кайтариксиз олиб борилди. Дурагайлар киёсий нав ва ота-она формаларига таккослаб урганилди. Баклажон дурагайларининг эртапишарлиги дастлабки уч терим хосилини аниклаш йули билан белгиланди. Гетерозис самараси А.В. Алпатыев (1981) таклиф этган формула ёрдамида аникланди. Усимликларнинг буртма нематодаси билан зарарланиши Е.И. Кондакова, Б.В. Квасников, С.И. Игнатовалар (1977) услубида бахоланди.

Амал даври Мк/03 х Ал/03, Мк/03 х Сс/03, Ал/03 х Мк/03 дурагайларида энг киска булиб, 98-99 кунни ташкил этди, 1 жадвал. Бу киёсий нав амал даврига нисбатан 9-10 кунга кискадир. Ал/03 х Су/03 дурагайида усимликлар тик усувчи, Бт/03 х Мк/03, Ал/03 х Мк/03 ярим тарвакай, бошка урганилган дурагайларда тарвакай типда булди, 1 жадвал.

Усимликлар буйи факат Ал/03 х Су/03 дурагайида 95 см. га етди. Бу холатни дурагай яратишда оталик сифатида иштирок этган Су/03 линияси усимликларининг буйи 110 см. ни ташкил этиши ва баланд буйилик биринчи авлодда доминантлик килиши билан изохлаш мумкин. Аксарият урганилган дурагайларда усимлик буйи 70-80 см. ни ташкил этди ва улар киёсий навга нисбатан 29-39 см. паст булди.

Мева шакли барча дурагайларда овалсимон, утки кисми силлик, ялтирок, ранги кора биафша булиб, бу жихатдан синалаётган дурагайлар куйиладиган талабларга жавоб беради. Мева вазни дурагайларда 200-230 г. булиб, ота-она формалар ва киёсий навга якин хисобланади.

1 жадвал

Баклажон F₁ дурагайларининг морфобиологик тавсифи,
2006-2008 й.й.

Нав, линия ва дурагайлар	Амал даври, кун	Усимлик типи	Усимлик баладлиги, см.	Мева	
				шакли	вазни, г.
Аврора, к.н.	108	тик усувчи	109	овалсимон	240
Ал/03	98	ярим тарвакай	70	цилиндрсимон	180
Сс/03	100	ярим тарвакай	80	овалсимон	180
Бт/03	98	ярим тарвакай	75	овалсимон	200
Су/03	110	тик усувчи	110	овалсимон	175
Мк/03	110	ярим тарвакай	65	ноксимон	250
F ₁ Ал/03 х Су/03	102	тик усувчи	95	овалсимон	210
F ₁ Бт/03 х Мк/03	103	ярим тарвакай	80	овалсимон	200
F ₁ Мк/03 х Ал/03	99	тарвакай	70	овалсимон	200
F ₁ Мк/03 х Сс/03	99	тарвакай	70	овалсимон	200
F ₁ Мк/03 х Су/03	100	тарвакай	80	овалсимон	230
F ₁ Ал/03 х Мк/03	98	ярим тарвакай	70	овалсимон	200

Тадкикотларнинг асосий мақсади гетерозис самараси юкори булган F₁ дурагайлар яратиш булгани учун асосий эътибор умумий ва эртачи хосилдорликка каратилган. Энг юкори умумий хосилдорлик Мк/03 х Ал/03, Мк/03 х Сс/03, Ал/03 х Мк/03 дурагайларида кузатилди ва у 63,4 - 73,3 т/га ни ташкил этди, 2 жадвал.



1-расм

Бу киёсий навга нисбатан 34,3-55,3% га куп демакдир. Бу дурагайлар умумий хосилдорлиги энг юкори хосилли ота ёки она формаларига нисбатан 42,2-64,4% га юкори булди. Айнан шу дурагайларда умумий хосилдорлик буйича энг юкори гетерозис самараси намоён булди.

Энг кимматли эртачи хосилдорлик буйича синалаётган дурагайлар киёсий навдан ва ота-она формаларидан анча устун туради. Умумий хосилдорлиги юкори булган Ал/03 x Мк/03, Мк/03 x Сс/03, М/03 x Ал/03 дурагайлар эртачи хосилдорликнинг хам энг юкорилиги билан ажралиб турди. Бу дурагайларда эртачи хосилдорлик 38,3-51,5 т/га ни ташкил этди ва бу киёсий навга нисбатан 130,7-120,8% юкори булди. Эртачи хосилдорлик буйича гетерозис самараси айнан шу дурагайларда юкори булди ва 109,1-183,0% ни ташкил этди.

Амал даври охирида дурагайлар ва ота-она формалар илдиз системаси казилиб буртма нематодаси билан зарарланиши бахоланди. Буртма нематодасига чидамли Мк/03 линияси ва у иштирокида олинган дурагайларида чидамлилик даражаси юкори булди. Чидамсиз нав ва линияларнинг зарарланиш даражаси 2,5-4,0 баллга тенг булган шароитда, Мк/03 линияси ва у иштирокида олинган дурагайларда бу курсатгич 0,0-1,9 баллга тенг булди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида баклажоннинг умумий ва эртачи хосилдорлиги ва мувофиқ равишда гетерозис самараси юкори булган истикболли биринчи авлод дурагайлари Ал/03 x Мк/03, Мк/03 x Сс/03, М/03 x Ал/03

ажратилди. Бу дурагайлар хавфли зараркунанда буртма нематодасига чидамлилиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Наджиев Ж.Н. Баклажоннинг эртапишар, серхосил ва муҳим хўжалик белгиларига эга бўлган F_1 дурагайларини яратиш // «Сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уругчилигининг асосий йўналишлари ва истикболлари». Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент-Термиз, 2001. 2-5 июль. – Б.74– 78.

2. Арамов М.Х., Наджиев Ж.Н. Селекция раннеспелых гибридов F_1 баклажана // II Международная научно-практическая конференция «Современные тенденции в селекции и семеноводстве овощных культур». – Т. 1. – М., 2010. – С.440– 443.

3. Наджиев Ж.Н., Арамов М.Х. Помидорнинг транспортбоп, янги истикболли F_1 дурагайлари танлов синови // «O'zbekiston qishloq xo'jaligi» журналининг «Agro ilm» илмий илова журнали. – Тошкент, 2009. – № 1(9). – 34 б. (06.00.00, №1).

4. Наджиев Ж.Н., Арамов М.Х. Баклажоннинг эртапишар ва буртма нематодасига чидамли линиялари // «O'zbekiston qishloq xo'jaligi» журналининг «Agro ilm» илмий илова журнали. – Тошкент, 2014. – № 3 (31). – 52– 53 б. (06.00.00, №1).

5. Наджиев Ж.Н., Арамов М.Х. Баклажон F_1 дурагайларида буртма нематодасига чидамлилигининг наслдан-наслга ўтиши // «O'zbekiston qishloq xo'jaligi» журналининг «Agro ilm» илмий илова журнали. – Тошкент, 2017. – № 4 (48). – С. 54-55. (06.00.00, №1).

6. Наджиев Ж.Н., Арамов М.Х. Испытание и оценка гибридов F_1 баклажана на раннеспелость и по хозяйственно-ценным признакам // Международная научно-практическая конференция «Селекция и семеноводства овощных культур в XXI веке». –Т. 2. – М., 2000.–С. 109–111.